

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ФАНИГАН® ФАСТ

Препаратнинг савдо номи: Фаниган® Фаст

Таъсир этувчи моддалар (ХПН): диклофенак диэтиламин, метилсалицилат, ментол, зиғир мойи;

Дори шакли: сиртга қўллаш учун гель

Таркиби:

Ҳар бир грамм гель куйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар: диклофенак диэтиламин, 10 мг диклофенак натрийга эквивалент, метилсалицилат 100 мг, ментол 50 мг, зиғир мойи 30 мг;

ёрдамчи моддалар: пропиленгликоль, карбомер 940, натрий эдетати, полисорбат 80, бензил спирти, натрий гидроксиди, тозаланган сув.

Таърифи: оқ рангли, ўзига хос ҳидли, бир хил массали гель.

Фармакотерапевтик гуруҳи: маҳаллий қўллаш учун ностероид яллиғланишга қарши восита.

АТХ коди: M02AA15

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Маҳаллий қўлланганида оғриқни қолдирувчи, яллиғланишга қарши ва шишга қарши таъсир кўрсатади. Оғриқни ва бўғимларнинг яллиғланишини бартараф қилади, эрталабки танглик ва бўғимларнинг шишини камайтиради, ҳаракат ҳажмини ошишига ёрдам беради. Фаниган® Фаст гелининг таъсири унинг таркибига кирувчи компонентларига боғлиқ. Диклофенак циклооксигеназани блоклайди, иситма, яллиғланиш ва оғриқнинг генезида муҳим рол ўйнайдиган эндоген моддалар – простагландинларнинг синтезини сусайтиради. Диклофенак оғриқни олади, яллиғланишни бартараф қилади.

Ментол совуқ сезувчи рецепторларнинг таъсирланишини чақиради. Бу у суртилган жойда капиллярларнинг торайиши ва ўтказувчанлигини камайиши, салқинлик сезиш билан кечади. Маҳаллий қитиқловчи ва ўртача намоён бўладиган оғриқни қолдирувчи таъсир кўрсатади. Метилсалицилат салицил кислотасининг ҳосиласи бўлиб, маҳаллий таъсирловчи самарага эга. Терининг рецепторларини таъсирланишини чақириб, метилсалицилат оғриқ ҳисларини камайишига олиб келади. Бундан ташқари, метилсалицилат простагландинларнинг синтезини тормозлайди, бу яллиғланган тўқималарнинг шиши ва инфилтрациясини камайтиради.

Зиғир уруғидан олинган мой яллиғланишга қарши самарага, антиоксидант хусусиятларга эга, суртилган жойда қон айланишини яхшилайдди.

Фаниган® Фаст гелининг таъсири терига суртилгандан сўнг бирнеча минутдан кейинок бошланади. 20-30 минутдан кейин гелининг таъсири максимумига етади. Асосий клиник симптомларни йўқолиши одатда даволаш бошлангандан кейинги биринчи кунлари қайд этилади.

Фармакокинетика

Диклофенак гель кўринишида қўлланилганда секин сўрилиб, тери ости ёғ қатламига, мушак тўқимасига, бўғим капсуласига ва синовиал суюқликка тўғри кириб бориш йўли билан чуқур кириб боради. Узоқ вақт мобайнида даволанганда ёки зарарланган соҳани катта қисмига суртилганда, диклофенак аста секинлик билан қон плазмасига ўтади (терига суртилган дозанинг 3-6%). Схема бўйича гелини ўзоқ вақт кунига уч маҳалдан, 2.5 граммдан (10мг/см³) 3 кун мобайнида қўлланилганда диклофенакнинг стабил

концентрацияси 20-40 нмоль/л, синовиал тўкимада 410 нмоль/л ни ташкил қилади. Плазмадаги концентрация тез камаётган бир вақтда, синовиал суюқликдаги концентрация стабил ҳолатда қолади.

Диклофенак глюкорон кислотаси билан бирга конъюгация йўли орқали жигарда метаболизмга учрайди. Диклофенакнинг 70% сийдик орқали, қолган қисми ахлат билан чиқарилади.

Метилсалицилатни маҳаллий қўлланилганда тери ости ёғ қатламига, мушак тўқимасига, бўғим капсуласига тез сўрилади ва гидроксилланиш йўли билан салицил кислотасининг анионига айланади.

Қўлланилиши

Оғриқ ва шиш билан кечувчи таянч-ҳаракат аппаратининг яллиғланиш ва дегенератив характердаги қуйидаги касалликларда: ревматоид артрити, анкилозловчи спондилоартрит (Бехтерев касаллиги), ўткир подагрик, инфекцион, псориастик ва посттравматик артритлар, юмшоқ тўқималарнинг ревматик касалликлари (тендовагинит, бурсит, миозит), бўғимларнинг дегенератив касалликлари (катта ва қичик бўғимларнинг остеоартрозлари), умуртқа поғонасининг остеохондрози, миалгиялар, невралгиялар, бел-дуггаза радикулити, жароҳатлардан кейинги оғриқлар, бойламлар бўшлиғи, бойламлар, мушак ва пайларни чўзилишлари, оғир жисмоний юкламалар чақирган мушак ва бўғимлардаги оғриқда қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Дозалари

Оғриқли соҳанинг майдонига қараб, 2-4 г гел (4-8 см ли тизимча) терига юпқа қилиб суткада 2-3 марта суртилади ва енгил ишқаланади. Ўртача суткалик доза 10 г гелни ташкил қилади, бу 100 мг диклофенак натрийга тўғри келади. Препаратни шикастланмаган терига суртиш, кўз ва шиллик қаватларга тушишига йўл қўймаслик керак. Гелни очиқ жароҳатларга суртиш мумкин эмас. Даволаш курсининг давомийлиги шифокор маслаҳатисиз 10 кундан ошмаслиги керак.

Қўллаш усули

Маҳаллий - сиртга қўллаш учун.

Ножўя таъсирлари

Камдан-кам ҳолларда:

- тошма, шиш ва қавариқлар, папулалар, тангачалар, қизаришлар
- терини қуриши;
- ачишиш ёки чимчиланиш ҳисси;
- терини қичишиши, эшакеми;
- Алохида ҳолларда:
- умумий тошмани пайдо бўлиши;
- юзни шиши (Квинке шиши) кўринишидаги юкори сезувчанлик реакциялари ривожланиши;
- бўғилиш;
- фотосенситизатсия;
- Фаниган® Фаст гел ни тананинг катта юзасига суртилганда тизимли ножўя таъсирлари юзага келиши мумкин:
- жиғилдон қайнаши, кўнгил айниши, қусиш, диарея;
- қоринда оғриқ;
- жигар трансминазаларини активлигини ошиши;
- бош оғриғи, бош айланиши;
- гематурия
- анафилактический шок, тери тошмалари;

- анемия, тромбоцитопения, лейкопения, агранулоцитоз
- узоқ муддат қон кетиши кузатилиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- диклофенакка ёки препаратнинг бошқа компонентларига юқори сезувчанлик;
- эпидермисни шикастланиши, қўллаш соҳасидаги очик жароҳатлар;
- ацетилсалицил кислотасини қабул қилиш фонндаги астматик статус;
- аниқланмаган этиологиянинг қон хужайраларининг ғайритабий тузилиши;
- гастрит ва 12 ичак бармоғи ялиғланишини ўткир босқичлари;
- ҳомиладорлик ва лактация;
- 12 ёшгача бўлган болалар (бу ёшда препаратни сиртга қўллаш бўйича етарли тажриба йўқ) да қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Фаниган® Фаст гелни бошқа дори воситалари билан бир вақтда қўллаш мумкин, чунки бу препаратнинг компонентларини улар билан, шу жумладан диклофенак натрийни перорал қабул қилиш билан тизимли ўзаро таъсири аниқланмаган.

Бироқ Фаниган® Фаст гел катта дозаларда узоқ муддат қўлланганида, диклофенак антикоагулянтлар, глюкокортикостероидларнинг, литий препаратларининг самарасини кучайтириши, шунингдек фуросемид ва тиазид диуретикларнинг таъсирини сусайтириши мумкин. Препарат қон плазмасида дигоксиннинг концентрациясини ошириши, бошқа ностероид ялиғланишга қарши воситаларнинг ўзлаштирилишини пасайтириши, меъда-ичак йўллариининг шиллик қаватига уларнинг улцероген таъсирини кучайтириши мумкин. Ностероид ялиғланишга қарши воситаларни сақловчи бир неча препаратлар бир вақтда маҳаллий қўлланганида эшакеми, қизариш, пўст ташлаш кўринишидаги локал таъсирланиш ривожланиши мумкин.

Махсус кўрсатмалар

Хар қандай ножўя таъсирлар пайдо бўлганида, қўшимча текширувлар ўтказиш ва даволанишга тузатиш киритиш зарур. Ацетилсалицил кислотаси, бошқа салицилатлар ёки бошқа стероид бўлмаган ялиғланишга қарши препаратларни (астма хуружлари, терининг реакциялари, ёки вазомотор ренит) маҳаллий қўллашда юқори сезувчанлик тарихига эга бўлган пациентлар, препаратни эҳтиёткорлик билан, фойда ва мавжуд хавфларни синчиқовлик билан баҳолагандан сунг қўлланилади. Агар сизда мьеда ва ўн икки бармоқли ичак яраси, жигар ёки буйрак функциясининг бузилиши, қон хужайраларининг ғайритабий тузилиши ёки бурун шиллик қаватининг полипозияси бўлса Фаниган® Фаст, гелини эҳтиёткорлик билан қўллаш керак. Гелни қўллашдан сўнг, шиллик пардалар ва кўзларга препарат қолдиклари тушмаслиги учун қўлларни ювиш керак.

Болалар

12 ёшгача бўлган болаларга препаратнинг хавфсизлиги тўғрисида маълумот йўқ.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши

Ҳомиладорликнинг охириги уч ойида ва эмизиш даврларида гелни тананинг катта соҳаларига суртиш ва узоқ вақт давомида ишлатиш мумкин эмас, чунки ҳозирги вақтда препаратни ҳомилага ва янги туғилган чақалокка зарарли таъсири тўғрисида маълумотлар йўқ.

Препаратни ҳомиладорлик ва эмизиш даврларида буюриш масаласини фақат шифокор ҳал қилади.

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Фаниган® Фаст гел транспорт ёки механизмларни бошқаришда ҳеч қандай таъсирга эга эмас.

Дозани ошириб юборилиши

Симптомлар: бош оғриғи, қулоқларда шовқин, кўрув бузилишлари, кўнгил айнаши, қусиш, диарея, эпигастрал соҳада оғриқ, нафас бузилишлари, респиратор алкалоз ёки метаболик ацидоз, гипертермия, гипокалиемия, гипергликемия, артериал босимнинг ошиши, буйрак функциясини бузилиши, тиришиш, жигар етишмовчилиги кузатилиши мумкин.

Чиқарилиш шакли

30 ёки 100 г дан гель ламинантланган тубада, 1 шундай туба тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон ўрамда.

Сақлаш шароитлари

Курук, 25°C дан юқори бўлмаган хароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Музлатилмасин!

Яроқлилиқ муддати

2 йил.

Препаратни яроқлилиқ муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

Kusum Healthcare Pvt. Ltd.

Манзил

SP-289(A), RIICO Industrial Area, Chopanki, Bhiwadi, Dist. Alwar (Rajasthan), Ҳиндистон

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:

“BARAKA DORI FARM” МЧЖ ХК

100022, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Халка Йули кўчаси, 91-уй.

Тел.: + 998 78 150 97 97; факс: + 998 78 150 97 87

Уяли тел.: + 998 93 388 87 82

Email: pv@kusum.uz

Web-сайт: kusum.uz